



ИЗЛАР СОВИМАСДАН ТУРИБ

21 ноябрь куни соат 18.30 лар чамасида С. Муродов кўчаси бўйлаб елб бораётган енгил машина маҳаллий саноат корхонаси ёнида шу корхона ишчиси С. Муҳаммадиевни уриб, атрофда одам сийраклигидан фойдаланиб қочиб қолди. Одамлар эса жабрланувчи билан овора бўлиб, машина рақамига қарашни ҳам унутиб қўйган эдилар. 35 ёшли С. Муҳаммадиев вилоят касалхонасининг реанимация бўлимига келтирилди, аммо ҳушига келмасданоқ ҳаётдан кўз юмди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисмининг оператив навбатчиси, милиция капитани — Алишер Нейматов юз берган воқеа ҳақида зудлик билан Бухоро шаҳри ва яқин атрофдаги ички ишлар бўлимларининг барча ДАН постлари ва оператив гуруҳларни хабардор қилди. Номард ҳайдовчини аниқлаб, қўлга олиш бўйича оператив-қидирув гуруҳи тузилди. Бу гуруҳга вилоят ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи, милиция полковниги Нор Элович Шаропов бошчилилик қилди.

Кўрилган чора-тадбирлар зое кетмади. Шаҳарнинг хилват кўчаларидан бирида вилоят Давлат автомобиль назорати бўлими йўл назоряти хизмати инспектори милиция капитани — Ҳайдар Бўронов, Файзулла Хўжаев тумани ИИБ ДАН ходимлари, милиция лейтенанти Ҳабиб Раззоқов ва милиция старшинаси Зокиржон Нурматовлар бегуноҳ бир одамнинг умрига зомин бўлган 42 ёшли ҳайдовчи бошқарувидаги В 01-62 БХ давлат рақамли, «ВАЗ-2104» белгили енгил автомашинани қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Маҳаллий аҳолига мансуб бўлган бу шахс автоҳалокат туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмган жабрдийда билан айни бир корхонада, яъни маҳаллий саноат корхонасида ишлар экан. Мана сизга ҳамкасбга мурувват.

Айни кунларда номард ҳайдовчи устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Излар совимасдан туриб, жиноятни очишда актив иштирок этган ходимлар эса хизматларига яраша муносиб тақдирландилар.

Зиқрилла НЕЪМАТОВ,
милиция лейтенанти.



Тошкентдаги Қўйлик бозорини фақатгина деҳқонлар бозори деб ўйласангиз керак ҳойнаҳой. Афсуски, адашасиз. Шаҳримиз дўконлари пештахталарига чиқолмай армон билан «адашиб»

кетган камёб молларнинг тенг ярмиси шу ердаги чайқовчилар халтасида десак муболага бўлмас. Агар, ишонмасангиз, ана, Қўйлик бозори ҳудудда назорат юритувчи милиция лейтенан

ги Нўмонжон Маматов ва унинг ёрдамчиси Баҳодир Бектемировлардан сўранг. Бу зийрак ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳар куни саккиз-ўн нафар «ишбилармонлар» билан мулоқотда бўлишади. Шу боис, Нўмонжон Маматовнинг ушбу хизмат жойига тайинланганига бор йўғи бир йилча вақт бўлганига қарамай, одамлар орасида яхшигина обрў-эътибор қозongan.

Суратларда: милиция лейтенанти Нўмонжон Маматов ва унинг ёрдамчиси милиция сержанти Баҳодир Бектемировлар янги «меҳмон» билан кўнгилли суҳбатлашмоқда.

2. Янги «меҳмон»дан тортиб олинган манови камёб молларга етолмай ҳасрат ва надоматда юрганлар қанча.

Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ
олган суратлар.

КИМНИНГ ЭРКАСИ?

Кечқурун ишдан ҳориб, асаблари таранглашиб чиққан киши биринчи автобусда нени орзу қилади? Албатта, уйига, оиласига, ширин-шакар болаларининг ёнига тезроқ етиб олишни-да. Афсуски, Тошкентдек шаҳри азимда «тезроқ» сўзи — икки-уч соат деган маънони бераркан. Сабаби тайин: бу ерда ҳар қандай йўналишдаги, ҳар қандай автоуловни қирқ-қирқ беш дақиқача «мириқиб» кутиб турасиз! (Хоҳламасангиз, ана, тўрт томонингиз қибла, худо оёқларингизга қувват берсин). Автобус ҳайдовчилари, трамвайчилару троллейбусчилар мисоли шаҳарнинг бекларидек туттишади ўзларини: исташса қатнашади, исташмаса юраверадилар ялло қилиб.

Яқинда, яъни йигирма еттинчи ноябрь куни кеч соат еттилар атрофида худди шундай нохуш аҳволнинг гувоҳи бўлдим.

Темир йўлнинг «Шимол» шохбекасида 22-йўналиш бўйича юрадиган автобусларнинг бирортасидан

ҳам дарак йўқ эди.

Ҳаво совуқ. Қоронғулик тобора қуюқлашмоқда. Йўловчилар қанчалик жигибирон бўлишмасин, барибир, тишни тишга қўйиб чидашарди. Чунки ҳалқа чекнасида тўхтаб турган, пешонасига нақ ўқловдек-ўқловдек ҳарфлар билан 22 рақами ва йўналиш атамаси битилган, давлат белгиси 14-66 ТНН рақамли автобус интизор юракларини умид чўғлар билан иситиб турарди. Аммо бесамар кетди кутишлар. 22-автобус орадан роп-роса бир соат ўтса ҳамки, жойидан жилмади.

Йўловчилар асабийлашиб шундоққина ўша автобус биқинидаги «диспетчер» хонасига — бекорчиликдан кўз бўяб ўтирган хонимга мурожаат этишди:

— 22-чи юрадим, ахир? Танноз ходимдан аввалига садо чиқмади, сўнгра, одамларнинг гала-говури кучаявергач:

— Ҳайдовчи овқатлангани кетган, — деди.

Аслида ҳайдовчи автобус ичида ўхлаб ётган экан. У

йўловчиларнинг чувуллашиб қолганиданми ё уйкуга тўйибми, ишқилиб, ўрнидан қўзғалдида, тамаки тутатди. Сўнгра атрофдагиларни нописанд кўздан кечиргач, истамайгина автобусни ўт олди.

— Ниҳоят, роппа-роса бир ярим соатдан сўнггина йўловчилар 14-66 ТНН рақамли автобусга ўтириш бахтига муяссар бўлишди.

Шу ерда саволлар туғилади. Ҳўш, давлат уловини шахсий «дам олиш уйига» айлантирган бу бойвачча кимнинг эркаси? Нега ишдан чарчаб, ўз хонадонига илҳақлик билан отланган йўловчиларга бу қадар лоқайд, бу қадар нописанд муносабатда бўлади? Ҳамма йўналишдаги автобусларни назорат қилиши шарт бўлган анови диспетчер хоним нега ҳайдовчиларнинг ўзбошимчилигига бунчалар бефарқ? Умуман, шахримизнинг транспорт қатновида тартиб бўладими? Одамлар дардига мутасадди ўртоқлар қай кўз билан қарашади?

Луқмон БҮРНЕВ.

«ҚУРИҚЛАШ» БИРЛАШ-
МАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«Катайса»

қилишолмади

Янгийўл шаҳар шохбекасида номаълум кимсалар Ботирбековнинг «ВАЗ-2106» белгили машинасини олиб қочишди. Янгийўл шаҳар ИИБ милиционерларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Х. К. исмли шахс ушланди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қолган икки «катайса» қилиш ниятида юрганлар ҳам қочиб кетолмадилар.

Туйнугингдан мўралай

Чирчиқ шаҳар марказий кўпмолли дўконига ўрнатилган ташвишгоҳ шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлими ходимларини дўконга кимдир кирганидан огоҳ этди.

Ойнаси синдирилган туйнукдан 724 сўм пул, 1500 сўмлик мол-мулк кўтариб, мўралаб чиқаётган А. ва О. исмли шахслар тузоққа тушди.

Чакка ўтган шекилли

К. Б. исм-шарифли шахс бошқариб келаётган, 7-хунар-техника билим юртига қарашли ГАЗ-53 белгили машина тўхтаиб текирилганда ундан 113 дона шифер топилиди. Олиб борилган суриштирув натижасида булар Бекобод шифер цехидан ўғирлангани маълум бўлди.

Гап ёшда эмас

Тунда Қибрай тумани ИИБ ходимлари ташвишгоҳнинг хабари билан 24-сон дўконга келишди. У ерда мактаб ўқувчиси қўлга тушди. Катта нарсаларни кўзлаган кичик ўридан 1574 сўмлик нарса олинди.

«Содиқ» ишчилар

Қибрай яхна ичимликлар корхонасининг иккита содиқ ишчиси ўзларининг жонажон ишхоналарини тунашга қарор қилди. Лекин тунаш ҳам узоққа кетишолмадилар. 174 сўмлик ичимлик олиб чиқиб кетишаётганда қўлга тушишди.

Давлатнинг хасислиги

Ичкилик ихлосмандлари (бошқалар ҳисобига) ва муסיқа шайдолари (яна ўша бировларнинг аппаратида) бўлиш уч йигит оқшом 10-сон дўконга тушишди. У ердан 3 қути «Офарин» виноси, битта телевизорни кўтариб кетишмоқчи бўлишган эди, давлат ҳисобидан ичиб «ғомоша кўриш насиб қилмади. Давлатнинг хасислиги шу ерда маълум бўлиб қолди, учта гулдек йигитни бир мартагина зиёфат қилишга қўймади...

Э. РАҲМАТОВ,
милиция майори.

У виқор билан машина-сига ўтирди. Сигаретни тутатди-да, кўзгудан ўзига боқди. Кўриниши ёмонмас. Машина овоз чиқармай, жойидан пардек енгил кўзгалди.

Ресторан рўпарасида уловини қолдириб, ичкари киракан, эшикоғасига ижирганиб қараб қўйди. Овқат устида ҳам ғалати ўйлар ором бермади. Кунни кеча бу даргоҳга кириб чиқувчилар қандай одамлар экан-а, деб ҳайратланарди.

Эсида, ўшанда бошқача эди, эшикдан киритишмаган. Уст-бошинглар ресторано-бопмас, дейишганди.

Э, нимага бунга ўхшаш гаплар хаёлига келаверади-а? Ўшанда Валининг олдида шунақа мулзам бўлгандики... Эҳ... «У вақтлар ориятим кучли эканда, шушу Валини кўрсам, ўзимни олиб қочардим. Хўрлик ҳам шунчалик бўладими-кан-а? Энди-чи, энди кўришса, узоқдан икки букилишади. Тақдир ўйинини қара-я! Бир пайтлар кийимимдан ҳазар қилиб киритмаган бу даргоҳга мен бугун пулларимни сочаяпман. Мана бу ресторанда офтоб тегмай оқарган нозик йигитлар садақамга кўз тикиб туришибди. Ерга иртисам, олишдан ор қилишмайди ҳатто».

Ресторандан таъби тирриқ бўлиб чиқди. «Виканинг олдида бораман. Сал кўнглимни ёзмасам бўлмайди. Сикилиб ўламан».

Бироқ машинаси уни шаҳар кўчалари бўйлаб олиб кетди. Унга Викадан ҳам кўчадаги одамларнинг уловига ҳавас билан боқиши кўпроқ завқ берарди.

Машина чорраҳада таққа тўхтади. Йўл қалин туман билан қопланди. Бирдан таниш йўл пайдо бўлди. Аммо қанча тиришмасин, бу йўлдан қачон, қаерда юрганини эслай олмади. Йўқ, эс-лолмаяпти. Машина ичидаги аппаратлар эса орқага ҳам, олдинга ҳам йўл йўқлигини кўрсатарди. Фурсат ўтмай машинаси темир деворларга айланиб, сикиб кела бошлади. Ноиложлик, кўрқув ичида «эҳ» дедию, ўкириб бошини рулга қўйди.

Бошини деворга урган Костя уйғониб кетди.

Кайфияти бузилди. Гўёки ҳаммаси тушида эмас, ўнгида бўлганди. Ўзи ҳам фарқлай олмай анча ўйла-ниб ўтирди. Бошидан яхши бошланган тушининг нега бунчалар даҳшатли тутаганига ич-ичидан эзилиб кетди. Умри бино бўлиб ҳали бунақа таъбирли туш кўрмаган эди. Олдиндаги хатарни сезиб, кўнгли ғаш тортиди.

Терговчи маҳбусга жой кўрсатиб, ўтиришга таклиф этди.

— Нурлан Исмоилов,

шунча ўғирликни бир ўзингиз қилдингизми?

— Ҳа, бир ўзим.

— Михаил — «Мишка»-ни танирсиз, балким?

— Йўқ, танимайман. Ким у?

— Мишка сизни таниркан-ку. Биргаликда Хайрулина, Эргашбоевларнинг уйларида тушган экансизлар.

— Мишка айтдими сизга?

— Йўқ.

— Костя айтдими?

— Ким у Костя?

Нурлан бошини эгди. Унинг ички исёнини сезган Хусан бир муддатга ўз ҳолига қўйди. Асабийлашганидан тинмай бармоқларини ўйнаётгани, вужуди-га енгил титроқ киргани қоғоздан атай бош кўтармаётган Хусанга шундоқ билиниб турарди.

— Сен бориб ўйла. Ҳали ҳам кеч эмас. Минг яшириб, Костяни ҳимоя қилганинг билан фақат ўзинг зарар кў-

гитга айтиб ўтиришининг ҳо-жати йўқ, деб ўйлайман. Очиқча гап бўладими, йўқми?

— Ўртоқ терговчи, сиз мени хафа қияпсиз. Айбим илгари қамалганимми? Биронинг қалиши йўқолсам менга ёпишиш экан-да?

— Ҳеч ким сени қилмаган ишингда айбламоқчи эмас. Қолаверса гувоҳлар бор.

— Қани ўша гувоҳлар? Қўлингизда ҳеч қандай асос йўқ. Инсоний ҳуқуқларимни чеклаб, бу ерда ушлаб туришингиз яхши эмас-ку.

— Асос бор.

Терговчи ўғирлик молларни стол устига қўйди.

— Бу буюмларни танир-сан?

— Энди кўришим.

— Энди кўраётган бўлсанг, нега уларда бармоқ изларинг бор?

— Мен ҳам шунини билиш-ни жуда истардим. Ўртоқ терговчи, ёрдам беринг. Бир

Терговни билимдонлар олиб боради

расан. Яна ишонч билан айтишим мумкинки, ўринида Костя бўлганида, аллақачон сени ҳам бу ерга олиб келган бўларди.

Хусан Нурланни олиб чиқишга рухсат берди.

Бўстонлиқ тумани ИИБ терговчиси милиция катта лейтенанти Хусан Икромов бўлажак сўроққа ўзгача тайёргарлик кўрди. Негаки бу Нурлан Михаилдан тубдан фарқ қиларди. Қўлидан келганча терговни чалғитади. Осонликча жон берадиганлардан эмаслиги кўриниб турибди.

Б. Зайнитдиновнинг буюмларидан олинган бармоқ излари Э. Тошевга тегишли паспорт, омонат дафтарчаси-дан қолган изларнинг айнан такрори. Ундай десам, Н. Тўйчибоевнинг уйдан ўмарилган нарсаларда ҳам шу излар-ку. Демак И. Тўраев хонадонини ҳам шу урган, деган фараз ҳақиқатга яқин. Бунинг устига ўша кунини Константинни ҳақиқатдан Валиниқда бўлганини тасдиқловчи гувоҳлар бор-ку. Яна бир бор бу аёлнинг қўшнилари билан гаплашиб кўрсамикан? Бу ёқда прокурор ҳам ишни тезлатишни сўрапти. Константин эса қаёқдаги қуруқ гаплардан нарига ўтмаяпти. Ҳа, жиноятчиларнинг олдида бутун далил-исботларни қўймагунингча оёқ тираб тураверишади. Токи нинадай далили қолиб кетаркан, гапни айлан-тираверади.

— Константин, вақтни чўзиш фойдасизлигини сендек қонун-қондан тушунган йи-

оддий совет фуқаросини бу туҳматлардан қутқаринг. Илтимос. Умрбод яхшиликни-гизни унутмайман.

— Тўғри. Биз бир-биримизни унутмаймиз. Чунки сени тутиш учун ҳазилакам тер тўкмадик. Энди эса гуноҳларингни битта қўймай исботлаб берамиз, кейин қойил қолиб эслаб юрасан.

Ўша кунини сўроқ қутилган натижани бермади. Константин терговчи у деса бу деди, бу деса у. Хуллас, Хусаннинг таъбини тирриқ қилди.

Хусан яна бир карра воқеалар тафсилоти, гувоҳлар кўрсатмаларини синчиклаб кўздан кечирди. Экспертлар билан боғланди. Костяни Нурлан ва Михаил билан юзлаштиришни режалаштирди.

Хусан Константин билан ўтказилажак навбатдаги сўроққа алоҳида тайёрланди. Аммо хонага келтирилган маҳбуснинг афт-башарасида аввалги олифталикдан асар ҳам йўқ эди.

Ўриндиққа ўтирди-ю. Хусанга тик боқиб деди:

— Биласизми, мен ёзиш-ни ёмон кўраман. Мен гапир-рай, сиз ёзинг.

Хусан юрагининг қатида-ги қандайдир бир туйғу билан барибир нималарнидир яшираётганлигини сезсада, гапни бўлмади. Константин бамайлихотир сўзлар, ахён-ахёнда ҳазил гап қистириб кўярди.

Соқчи маҳбусни олиб чиқиб кетгач, Хусан ўйга толди. Эртаси кунини ёзув машин-касига ўтирди.

«Жиноий ишларни бирлаштириш ҳақида

ҚАРОР

1991 йил 4 февраль

Ғазалкент шаҳри

Бўстонлиқ тумани ИИБ тергов бўлини маси терговчиси милиция катта лейтенанти Х. Икромов 13-186-жиноий ишни кўриб чиқиб, аниқладим.

Оғир жиноятлари учун бир неча марта судланган Константин Селезнев булардан тўғри хулоса чиқармай қатор жиноятларга қўл урган. К. Селезнев содир этган жиноятлар бўйича қуйидаги жиноий ишлар кўзгатилаган:

1. 1990 йил 14 июлда Ўзбекистон Жумҳурияси ЖМнинг 125-модда 3-қисми билан 13-1896;

2. 1990 йил 12 октябрда ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми билан 13-1769;

3. 1990 йил 22 октябрда ЖМнинг 114-моддаси 3-қисми билан 13-1779;

4. 1990 йил 6 декабрда ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми билан 13-1816;

5. 1990 йил 12 декабрда ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми билан 13-1826;

6. 1990 йил 24 декабрда ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми билан 13-1839;

7. 1990 йил 25 декабрда ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми, 114-модданинг 3-қисми билан 04-3484;

10. 1991 йил 4 январда ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми билан 13-1856;

...15. 1991 йил 30 январда ЖМнинг 125-моддаси 2-қисми билан 13-1882.

Дастлабки тергов натижалари даврида Константин Селезнев гуруҳи тўла фом этилиб, айблари тасдиқланди. Шу сабабли юқоридаги жиноий ишларни бирлаштиришни лозим деб топдим».

Константин ўз шериклари Михаил Будниченко ва Нурлан Исмоиловларни тезда қармоғига илинтирди. Бир неча марта ресторанларда, у ёқ-бу ёқларда олиб юриб, қарздор қилиб қўйди. Сўнгра воқеалар ўз-ўзидан ривожланиб кетаверди.

Аввал фуқаро У. Турсунбоев хонадонига кириб 349 сўмлик буюмларни ўғирлашди. Кейин кунда, кунаро фуқароларнинг шўрига шўрва тўкилаверди. Агарда ўғирланган 2067, 238, 211, 950, 1050, 3024, 481, 1561, 3603, 946, 3521, 849, 339, 1750 сўмлик турли молларнинг (эски нархда) ҳисобини чиқарадиган бўлсак, 30 мингга яқинлашиб қоларкан.

Мана шунча муддат одамларни қақшатиб келган ўғирлар фаолиятига нуқта қўйилди. Хусан қалин жиноий ишни қўлтиқлаб прокурор ҳузурига шошилар экан, қайтганида яна бир ўғирлик ҳақидаги хабар кутиб олишини хаёлига ҳам келтирмади. Унинг назарида гўё бутун ўғирликлар мана шу китобга тикилгану, ундан қочи-чиқиб кетолмайдигандек эди.

М. ИБРОХИМОВА.

ЭЛ

ХИЗМАТИДА

Нарх-навонинг ошиши, хари-д молларнинг камлиги, маошларнинг пастлиги Олма-лиқ шаҳар ИИБ ходим-лари олдида қатор муаммо-лар қўйди. Фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаш, олиб-сотарлик, чайқовчи-лик, давлат мулкни талон-тарож қилиш, ноёб мол-ларни савдодан беркитиш, тамаки маҳсулотларининг, спиртли ичимлик, нон маҳ-сулотларининг ҳам узили-ши милиция ходимларига нисбатан аҳолининг ишонч-сизлик билан қарашига олиб келмоқда.

Олмалиқ шаҳар ИИБ бош-лиғи М. Мирзаев ишни ав-вало кадрларни танлаш, ўқи-тиш ва жой-жойига қўйиш-дан бошлади. Ўзтиборни ба-лоғатга етмаганлар билан ишлашга қаратди. Ўз вази-фаларига совуққонлик би-лан қараган 13 ходим иш-дан четлаштирилди.

Тергов, ЖҚБ ихтисосли мутахассислар билан кучай-тирилди. Улар эса ўз нав-батда халқ осойишталиги йўлида бор куч ва имкон-иятларини ишга солиб, юк-сак ишончини оқламоқда-лар.

М. ЮНУСОВ.

«ҚИСКА САТРАПЛАР»ДА УРГУТ

НИМА

ТАҚЧИЛ?..

Тақчил нарсани ўғирлик-нинг хусусияти, табиати-га қараб аниқлаш ўнғайроқ бў-либ қолди. Қўлқишлоқ қишлоғида яшовчи Т. Ҳам-роев, Т. Номозовлар шах-сий уловларнинг икита-дан баллонларини ўмариб кетишди.

Баллон шайдолари, ал-батта узоқ кетишолмади.

ЁМОН ХЎКИЗ

Хўжақишлоқлик Эгамбер-ди ҳам хўкизининг қуло-ғига ҳеч нарса деб қўйма-ган экан. Биров етакласа кетаверибди. Яхши мол бў-са шунақа қилмасди, ал-батта. Милиция ходимлари ўғрини ушлаб буқани эгаси-га қайтаришди.

УНУТИШМАДИ

Етти қоп майизини қо-лаб, ширин орзулар оғуши-да юрган, Усто Абдулла қишлоғилик Тожибой чув тушиб қолди. Унинг ҳамма қопларини орқалаб кети-шибди, азаматлар. Лекин улар қиска вақт ичида яна орқалаб келиб топширишга мажбур бўлишди.

ҲАМШАҲАРЛАР

Ургутнинг Шарқ кўчаси-да шу шаҳарлик Урозов-нинг қўлидан сумкасини юлиб қочишди. Талончи-лар ҳам нимани олишини билишади. Сумканинг ичи-да 5350 сўмлик заём бор эди. Бузоқнинг югургани эса...

ПАСТ

КЕТМАДИ

Хонадон ўғирлари ҳам паст кетишмади. Зинак қишлоғилик Ҳайитбоевнинг уйдан 1200, Жумаевнинг уйдан эса 2000 сўм ўма-ришди. Тўғри, ҳозирги кун-да бу пулга битта эчкини ҳам ўйлаброк беришади. Бироқ бу «хонадон шина-вандалари» Алимованинг уйдан тақинчоқ ўғирла-ганлар каби қўлга тушди-лар.

О. МАЪРУПОВ,
милиция майори.



Воқеа содир бўлган жойга тез етиб бориш, қуролланган жиноятчи билан олишиб, уни зарарсизлантириш оператив гуруҳ аъзоларидан чақ-қонлик ва маҳоратни та-лаб этади.

СУРАТДА: Куйбишев тумани ИИБ оператив гуруҳи, аъзолари (чап-дан) навбатчи ёрдамчи-си милиция сержанти Қахрамон Хўжаев ва жиноят қидирув бўли-маси оператив вакили милиция катта лейтенан-ти Владимир Лазько жиноятчини қўлга олган пайт.

Ҳ. ШОДИЕВ
олган сурат.

Ҳўнаб ЎЎКЕТИШМОҚЧИ Эдишлар...

КОЛЛАЖЛАРИ Э.РАХМАТОВ ИШЛАГАН

Шунча жанжалдан кейин ҳам жаҳлидан тушмаган Абайни Майрамбой кузатиб қўйиб, сўнгра қайтиб келиб Жумабойни касалхонага олиб бориш ниятида дўсти билан йўлга чиқади. Худди шу пайт бир машина келиб тўхтади. Ундан йўл-патрул ходимлари Н. Аҳмедов, Ш. Бобоназаровлар тушишади. Улар М. Алмуратовни ушлашади. А. Нўмонов қочи кетиш ниятида тўхтаб турган таксига чиқмоқчи бўлади. Бироқ улгурмайди. Уларни милиция бўлимига олиб келишади. А. Нўмонов милиция ходимларига қаршилик кўрсатиб, уларни ҳақоратлайди ва: «Жумабой онамни ҳақоратлади, шунинг учун ўзим разбор қилдим. Сенлар аралашманглар», — деб бақиради. Сўраб-суриштириш натижасида бўлган воқеани айтиб беради. Воқеа содир этилган жойга қайтиб борганларида, ерда юзтубан ётган Жумабойни кўришади. У кўп қон йўқотгани учун зўрға нафас оларди.

Сирғали тумани халқ суди ҳукм чиқаради. Бироқ томонларнинг норозилиги эътиборга олиниб, иш қайта кўрилиш учун судья Мусулмон Мамановга топширилади. Суд ҳайъатининг тўлдирган протоколи билан танишганимда, ишнинг чўзилиши ноаниқликларга олиб келганини, дастлабки тергов пайтида берилган кўргазмаларнинг ўзгариши, тан олинмаслигига сабаб бўлганини кўрдим.

Алмуратов М. Ҳожибоев Ж. унинг ўртоғи бўлганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай адовати бўлмаганлигини, уни урмаганлигини айтди. Судда Алмуратов М. «дастлабки тергов пайтида нима сабабдан бир неча кўргазмаларингизда мен ҳам Ҳожибоевни урганман деб кўргазма бергансиз?» деган саволга: «Бизни ушлаб милиция бўлимига олиб боришганда, менга Нўмонов: «Ҳожибоев сенинг ўртоғинг, еен билан бирга келган. Мен урдим деб айтсанг, сени кечиради», — деб айтди. Шунинг учун мен ҳам урганман деб кўргазма берганман. Мен Ҳожибоевнинг ўлишини ҳаёлимга ҳам келтирмаганман. Қачонки 15 ноябрда сўроқ протоколи ёзиб бўлганидан сўнг терговчи Ҳожибоев ўлганлигини айтди ва Нўмонов менга қарши кўргазма бергандан сўнггина мен ҳам тўғри кўргазма бердим», деб жавоб қилади.

Судланувчи Нўмонов А. судга кўргазма беришдан ҳамда охириг сўздан бош тортди. Суд томонларнинг розилиги билан унинг дастлабки терговда ва олдинги суд мажлисларида берган кўргазмаларини ўқиб эшиттириб ва текшириб кўрди.

Судда гувоҳ сифатида милиция ходимлари қатнашдилар.

«...Бундан ташқари гувоҳ Аҳмедов Н. ўша кун Алмуратов М. ҳеч қандай қаршилик кўрсатмаганини, милиция бўлимига олиб борилганда ҳам ўзини жуда яхши тутганлигини, уни ўз ҳолига қўйганлигини, у ташқарига чиқиб синарета чекиб ўтирганини, унда қочи кетиш учун қулай ҳолатлар бўлганлигини, у Нўмоновни ҳам тинчлантиришга ҳаракат қилганлигини айтди.

Судда сўроқ қилинган гувоҳ Бобоназаров Ш. ҳам гу-

(Давоми. Боши ўтган сонда).

воҳ Аҳмедовнинг кўргазмаларини тўлиқ тасдиқлаб, 1990 йил 11 ноябрь кун Алмуратов ва Нўмоновни ушлашганида, Нўмонов А. уларга актив қаршилик кўрсатганлигини, шундан кейингина унинг қўлларини боғлашга мажбур бўлганлигини, Нўмонов А. жуда ҳам жаҳл устида эканлигини, «нима сабабдан Ҳожибоевни урдинглар?» деб сўралганда, «онамни ҳақоратлагани учун» деб жавоб берганлигини айтиб кўргазма берди».

Негадир шу жумлаларни ўқиганимда Майрамбой Жумабойни урганлигини ҳеч кўз олдимга келтиролмаяман. Чунки айби борнинг тиззаси қалтиради, дейишади-ку. Майрамбой эса ўзини ақсинча тутган. Бунинг устига ўртоғини ҳам тинчлантиришга ҳаракат қилган. Лекин суд ин-



сонинг ички кечинмаларини тан олмайди. Унга далиллар, исботлар керак. Навбатдаги жумлаларни ўқиймиз.

«Судланувчи Алмуратов М., Нўмонов А. Ҳожибоевни урганликда гарчи ўзларини айбдор деб ҳисобла-масаларда, уларнинг айби гувоҳлар Аҳмедов ва Бобоназаровнинг кўргазмалари, судланувчиларнинг дастлабки терговда ва суд мажлисида берган кўргазмалари, суд-биологик ва суд-тиббий экспертизасининг хулосалари, юзлаштириш протоколлари ва бошқа иш бўйича тўпланган материаллар асосида ўз тасдиғини топган».

Мен бу жумлаларни айнан келтириб суд, тергов ишларини таҳрир қилмоқчи эмасман. Бу шу ишни кўр-

ган кишиларнинг виждонига ҳавола. Мен эса кишиларнинг тақдири баъзи ўринларда юзаки баҳолашни ҳақида ўйлашман. Мана, нима-малардан келиб чиқаяпти одамларда милицияга, судга нисбатан ишончсизлик.

«Суд судланувчи Алмуратов М. ва Нўмонов А. лар жиноий ҳаракати юридик квалификациясини текшириб кўриб ва унга тегишли баҳо бериб, уларнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан ЖМнинг 88-моддаси «В» банди билан тўғри квалификация қилинган деб билади, чунки улар жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданига оғир шикаст етказганлар.

Суд судланувчилар Алмуратов М. ва Нўмонов А. ларга жазо тайинлашда ҳар иккала судланувчининг жиноий ҳаракатларига конкрет баҳо беришни лозим топди, чунки суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра жабрланувчи Ҳожибоев Ж. нинг ўлими бош миё қисмидаги жароҳат туфайли, миёга қон қўйилиш натижасида содир бўлган.

Суд судланувчи Нўмонов А. га жазо тайинлашда юқорида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ва жиноятни маст ҳолда содир қилганлигини, ўз қилимишдан пушаймон эмаслигини унинг айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб билади.

Судланувчи Алмуратов М. га жазо тайинлашда қилимишдан пушаймон эканлигини, ёшлигини, қарамоғида онаси ва 5 нафар укалари, онласи, бир нафар фарзанди ҳамда 86 ёшли бувиси борлигини, унга нисбатан берилган ижобий характеристика, ҚҚМЖ депутати томонидан Алмуратов номига берилган илтимосномани унинг айбини енгиллаштирадиган ҳолат, жиноятни маст ҳолда содир этганлигини эса унинг айбини оғирлаштирувчи ҳолат деб билади».

Суд ҳайъати Алмуратов Майрамбой ва Нўмонов Абайни ЎзССР ЖМнинг 88-моддаси «В» банди билан айбдор деб топиб, Майрамбойни беш йил, Абайни етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Яна томонларнинг норозилиги туфайли иш шаҳар судида қайта кўрилди. Ҳукм ўзгармади.

Мана ҳукм ҳам ўқилди. Шу ўринда киши чуқур ўйга чўмар экан... Беш, етти йил нима деган гап? Кўз очиб-юмгунча ўтади-кетди. Ўлган эса ўлиб кетаверади. У ҳеч қачон манови гулларни, анови болакайни, йўлкаларга тўшалаётган зафтарон япроқларни, биринчи ёмғирни кўрмайди. Кўчаларни тўлдириб кетаётган бири-бирдан гўзал қизларни, уларга ҳавасла боқаётган ўзи тенги йигитларни кўрмайди. Кулгуларига, шодликларига шерик бўлолмайди. Ҳеч ким билан юрагида бўй чўзган севги ҳақида сирлашолмайди... Чунки у энди йўқ. Ҳа, ҳа, у йўқ. Унинг ўрнида қалбларда битмас жароҳат, кўз ёшлар, армонлар, танг-рига ёлворишса ҳам кетмайдиган айрилиқ қолган, холос... Кошки эди изидан бирор яхши ном қолдириб, мардлик билан ўлса. Веҳуда, ичкилик оқибатидаги беҳуда ўлим бу. Ҳа, улар ўйнаб кетишмоқчи эдилар, бироқ бири ўлиб қайтди.

СОҲИЛА.

ТҲЙГА ТҲЁНА

Муборак шаҳридан Паркент туманида истиқомат қилаётган онасини кўргани йўл олган Б. Жонизоқов ўзи билан 20 литр пиво олиб келди. Уни ичиб, қўшнисининг уйида бўлаётган тўйга чиқди. Таниш-билишлари билан яна ичгач, жини кўзиган Б. Жонизоқов безорилик қила бошлади. Ўртоқларининг:

— Қўй, тинчгина уйинг-га бориб, дамингни ол, — деб айтган гаплари унга тўйдан ҳайдаётгандек бўлиб туюлди.

Оёғида зўрға туришига қарамай чўнтагидан қўл-бола пичоқни чиқарди. Пичоқни кўрган оғайни-

ри қўлидан тортиб олмоқчи бўлишди.

Асов отдек оддидан келганини тишлаб, орқасидан келганини тешиб, пичоқ уй-натган Б. Жонизоқов тўрт кишини яралади. Бир зумда тўй қий-чувга тўлиб кетди. Хайрият, тўйда соғлар ҳам бор экан. Безорининг бебошлигини жилволаб олишди. Жабрланувчилар касалхонага ётқизилди.

Паркент тумани халқ суди тўйда «томоша» кўрсатган 27 ёшли Б. Жонизоқовни олти йилга кесиб юборди.

Кошки, бу тўйда спиртли ичимликларни тўкиб ташлаётган баъзи юртдошларимиз учун сабоқ бўлса.

М. ИСРОИЛОВА.



Милиция сержанти Беҳзод Жўраев бир неча йилдан бери Ғалаба тумани ИИБда ДАНБ инспектори бўлиб ишлаб келмоқда. Ўз вазифасига сидқидилдан ёндашади.

СУРАТДА: Б. Жўраев ҳайдовчига йўл қўйган хатоларини тушунтирмоқда. Сурат муаллифи Ҳ. ШОДИЕВ.

ИЧКИЛИК БАЛОСИ

Владимир Минзофаров узоқ Владивостокда туғилиб, тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолганди.

Илк маротаба қирқ ёшларида жиноятга қўл уриб қамалиб чиққан. Мана ҳозир 50 ёшида ўз рафиқасининг қотили бўлишига бир баҳя қолди.

Ичиб қайфи ошган Владимир ҳуда-беҳудага жанжал чиқариб, хотинининг бошига стул билан урди. Унинг қопқора қонга белангани етмагандай ошхонадан пичоқни олиб чиқиб, биқинига санчди.

Бақир-чақирга бефарқ бўлмаган қўшнилари шонилинч мадади туфайли рафиқасининг жони сақлаб қолинди.

Тошкент шаҳар Куйбишев тумани халқ суди Владимир Минзофаровни 5 йилга кесди.

«КЕБ ҚОЛИНГ КАБОБ...»

Пойтахтнинг Қорасув даҳасида жойлашган «Олтин-тепа» номли кабобхона хўрандалар билан гавжум. Кабобпаз Бахтиёр Умаровнинг қўли қўлига тегмайди.

Навбатдаги хўранда 12 снх кабоб ва нон олдида, Бахтиёрга 25 сўмлик узатди. Кабобпаз бир дам ҳам ўйламай 5 сўм қайтим узатди.

ОЕХСС ходимлари қўлоғи чаққон кабобпазнинг бу ҳисоб-китобига аралашингга мажбур бўлишди.

Харидорнинг етти сўмдан зиёд ҳақини уриб қолган Б. Умаров Куйбишев тумани халқ судининг ҳукми билан 100 сўм жарима тўлади.

М. ҲАКИМОВ.

ҚОТИЛЛАР ТОПИЛДИ

27 сентябрь кун кунботар пайти «Ленинизм» жамоа хўжалиги ҳудудидан туман ИИБ навбатчилик қисмига фуқаролардан бири кўнғироқ қилиб, Қорасувда одам жасадини кўрганлигини хабар қилди.

ИИБ бошлиғи милиция майори Эркин Абдуллаев ҳодиса содир бўлган жойга ўзининг ўринбосари — милиция майори Шавкат Файзиев билан борди. Ҳақиқатан ҳам қирғоқда 45-50 ёшлар чамасидаги эркак кишининг жасади ётарди. Жиноят юз бергани яққол кўриниб турарди. Бундай жиноятларни очишда тажрибали Ш. Файзиев жиноят қидирув бўлини маси бошлиғи милиция катта лейтенанти Бекмурод Иномбеков, участка инспектори милиция катта лейтенанти Худойберган Мусабоев, участка катта инспектори милиция капитани Турсунали Холтўраевлар билан биргаликда марҳумнинг шахсини, шунингдек, қотилни аниқлаш бўйича фаол иш бошлаб юборди.

Кўрилган чоралар натижасида марҳум «Ленинизм» жамоа хўжалигида яшовчи, 1934 йилда туғилган Умирқул Мамиров эканлиги аниқланди.

Куну тун изланишлар ўзининг натижасини берди. Қотил ҳам топилди, дастлабки тергов ишлари охирламоқда. Ҳозирча унинг исмини айта олмаймиз. Лекин бу энг яқин қариндошларининг иши эканлиги аниқ. Қотиллики яшириш учун эса жасадни сувга отишган.

Оғир жиноятни очишда хизмат вазифаларини аъло даражада бажарганликлари учун Ш. Файзиев «Ички ишлар вазирлигидаги аъло хизмати учун» кўкрак нишони, Б. Иномбеков ва Х. Мусабоевлар вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг Фахрий Ерлиги, Т. Холтўраев эса пул мукофоти билан тақдирланди.

М. МИРСОВУРОВ, Тошкент вилояти ИИБ матбуот маркази раҳбари ички хизмат майори.

МЕХР-ШАФҚАТЛИ БУЛАЙЛИК

Гоҳ қора булутлар ёпирилиб, йирик-йирик томчилар тушади, гоҳ қуёш чарақлайди. Шаҳрихон шаҳридаги Т. Мирзаахмедов номидаги 15-махсус мактаб-интернат ором-гоҳининг кенг саҳнида эса байрамона рух сезилиб турибди. Кашшоф ва ўқувчилар азиз меҳмонларни интиқиб кутмоқдалар.

Меҳмонлар ташрифи ҳароратли қуёш ёғдуларининг беқиёс ёлқинланишига тўғри келди. Олам ҳарорати меҳмонларнинг меҳри билан янада мунаввар бўлиб кетгандай эди. Болалар ва ўсмирлар уларни шод-хуррамлик тимсоли бўлган гуллар ҳамда соғинчи сўзлар билан қарши олишди. Меҳмонлар ҳам уларни бағирларига босишди.

Навбатдаги анъанавий ғамхўрлик кечасини мактаб-интернат директори ўринбосари Абдурасул Маннопов қисқача кириш сўзи билан очди. У Москва тумани ички ишлар бўлими томонидан мактаб-интернат оталиққа олинганлиги, бу эса ажойиб самаралар бераётганлиги, аynиқса норасидаларнинг кўнглини кўтаришда беқиёс аҳамият касб этганлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи милиция майори Сирожиддин Жалилов милициянинг болалар ва ўсмирларга бўлган меҳр-оқибат анъаналарини давом эттириш ҳар бир ички ишлар бўлими ходимининг муқаддас бурчи экани тўғрисида батафсил тўхталди.

— Тарбиянинг асоси — меҳр-оқибат кўрсатиш, мурувватли бўлиш, деб биламан, — деди у. — Бола кўнглига экилган ҳар донга эзгулик уруғи минглаб олтин

бошоқлар тугади. Азиз болалар, эзгуликка интилинг! Халқимиз ва Ватанимиз келажакнинг муносиб бунёдкорлари бўлиб етишинг!

Шунингдек, бўлим бошлиғи болаларга кўча-кўйда юриш, жойларда ҳавфсизлик қондаларига риоя қилиш ҳақида қимматли маслаҳатлар берди.

Ушбу учрашувда ички ишлар бўлимининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўлими бошлиғи милиция майори Т. Дадажонов, шу бўлима ходими У. Каримовлар иштирок этдилар. Ички ишлар бўлими вакиллари бу гал ҳам мактаб-интернатга ажойиб совғалар билан келдилар. Хайр-саховатли милиция ходимлари ўз ҳисобларидан 275 сўм маблағ тўплашди. Бу пулга болалар кийимлари, ҳар хил ўйинчоқлар, спорт ашёлари сотиб олинди. Ҳадя-

ларни болаларга ИИБ бошлиғи С. Жалилов, бошлиқ ўринбосари А. Зокировлар топширдилар.

Ҳа, қадриятимиз қайта тикланаётган ҳозирги кунларда меҳр-оқибатли бўлиш, аynиқса, етим-есирларга ғамхўрлик кўрсатиш жуда улғуш. Туман ички ишлар бўлими ходимларининг ташрифи мактаб-интернат тарбияланувчилари қалбларини қувончга тўлдирди. Учрашув сўнггида милиция ходимлари ва болалар эсдалик учун суратга тушишди. Бадиий ҳаваскорлар ўз санъатлари билан барчани хушнуд этдилар.


Акромжон ВАХОБОВ, журналист.

СУРАТЛАРДА: туман ички ишлар бўлими ходимларининг мактаб-интернат тарбияланувчилари билан учрашувдан лавҳалар.

Суратлар муаллифи

Юсуф БЕК.

ҒАМХЎРЛИК



САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

АЁЛ ВА ИСЛОМ

Тошкент давлат дорилфунунининг маданият саройидаги кичик мажлислар залида «Аёл, Қуръон ва Ислам» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Дорилфунунда биринчи мартаба ўтказилган бу йиғилишда ўқитувчилар, талабалар, маҳад талабалари қатнашдилар. Учрашувни дорилфунун аёллар Кенгазининг раиси Ўктам Домлажонова очиб, меҳмонлар билан таништирди.

Аждодларимиз руҳини шод қилиш мақсадида тиловат ўқилганидан сўнг Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси қошидаги олий маҳад мудариси Нурилла қори Исмоилов ўз маърузасида «Мусулмон дегани нима?», «Ким мусулмон бўла олади?», «Мусулмон бўлиш учун нима қилиш керак?» каби саволларга тўхталиб, қуйидагиларни айтиб ўтди:

— Ўзларингиз гувоҳи бўлиб турибсизлар. Ҳаммаёқни дайидо безорилар, товламачи ўғриллар, фоҳишаю ичкиликбозлар босиб кетди. Йиллар давомида динсизлик сиёсати шуларнинг пайдо бўлишига, урчишига имкон яратиб берди. Динсизлик сиёсати юртимизга ҳукмрон бўлмай туриб: «Ўз қизини номусига тегибди», «Юқумли касалликка чалинибди», «Эрини чопиб ташлабди», «Боласини ҳожатхонага ташлаб кетибди», — деган сўзларни эшитганмисиз?

Қуръонда: «Қайси бир аёлки, эрини рози қилиб дунёдан ўтса, жаннатга кирди» — деб ёзилган. Ваҳоланки, аёллар ўртасида эрини беобрў қиладиган, унинг йўриғига амал қилмайдиган, хулқ-атвори, кийиниши эркаксифат бўлиб қолганлар учрайди. Улар чин маънода муслима эмаслар.

Ҳар бир аёл чин маънода муслима бўлиб қолиши керак. Чунки аёллар бузилди деган сўз насл, миллат, жамият бузилди, деган сўз.

Навбатдаги сўзни мудариса Ҳолида Камолхўжаева олади:

— Худога минг қатла шукур, мустақилликка эришдик. Энди имонли бўлишга интилсак, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатардик, аждодларимиздан қолган буюк бойлик — андиша, ҳаё, гурур, орият, садоқату мардликни сақлаб қолардик. Фарзандларимизни эътиқодли қилиб тарбиялардик.

Маърузачилар қатнашчилардан тушган бир қанча саволларга жавоб бердилар. Диний китобларнинг баҳоси юқори эканлиги, «Шарқ юлдузи» ойномасида чоп этилган Қуръоннинг таржимаси бўлиши, дорилфунун қошида диний мактаб йўқлиги ҳақида танқидий фикрлар билдирилди. Ў. Домлажонова дорилфунун қошида диний мактаб очиб қандайдиган тақдир билан чиқди.

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи.

ТОҒЛАР ҲИССИЗ ЭМАС

Ез. Айни чилла. Шаҳар ҳавоси одами янада лоҳас қилади. Албатта, чекка туманлардаги дов-дахтлар, ўт-ўланга тўлган қишлоқлар салқин, шовқин-сурондан нарироқ. Табиат кўйида бир дам ўтириб, унинг ажралмас бўлагини эканлигининг ҳис қилишга не етсин.

16-17 ёшли Содиқ, Латиф ва Озодлар шу ниятда Паркент туманига йўл олишди. Озод ҳайдовчилик гувоҳномасининг йўқлигига, уловнинг ўзига тегишли эмаслигига қарамай ўртоқлари билан хушманзара гуша томон елиб борарди. Аввал бирор қўнимгоҳ топишга қарор қилишди. Сўлим Сўқоқ қишлоғи улар эътиборини тортди. Яшиллик олами бағридан сизиб чиқаётган булоқлар ёнини макон этишди. Хамир учидан патир, деб бир шиша ароқни бўшатилди. Тоғнинг тоза ҳавоси йигитчаларнинг иштаҳасини очиб юборди. Ўзлари билан келтиришган ул-бул егуликлар камлик қилди.

— Тағимизда машина бўлса, гир этиб Паркент бозорига тушиб кела қолайлик, — деди Содиқ кўзини сузиб.

— Бир келибмиз, одамларга ўхшаб дам олиб кетайлик, — гапга аралашди Озод.

— Пулидан қочмасанлар, ҳозироқ «есть» қиламиз, — пичинг қилди Латиф.

— Пулидан қочган номард.

Учовлон уловга ўтиришди. 500 метрлар юргач, Содиқ машинани ҳайдаб кетаётган Латифга юзланди.

— Бер, мен ҳайдай.

— Э, қўйсангчи, ўзинг зўрга турибсан.

— Берақол. Йўл текиску... Намунча қизганмасанг. Озгина ҳайдайману... Қўрқоқ...

Латиф бўшлиқ қилди. Машина тўхтаб Латиф билан Содиқ ўрин алмашишди.

«Маёқ» кашшофлар дам олиш уйдан ўтаётганларида...

Йигитчалар машинадан тушибди, мажолсиз ўтириб қолишди. Йўлнинг чеккасида тўрт яшарча қиз ва кекса аёл йиқилиб ётар, пастликка қараб эса қипқизил ирмоқ оқиб келарди.

Уларнинг жон талвасада инграшлари қишлоқ сукунатини портлатиб юборгандек бўлди.

Азобли ингроқлар тоғларга кўчди. Тоғлар аксадо бериб, даҳшатли тусда йигитчаларни босиб кела бошлади.

Шундай сўлим масканда туғилиб ўсиб, ҳар тонг чарос кўзлари билан ҳайратланиб тоғлар бошига боқадиган тўрт яшар Шаҳноза бувиси Олима ая билан касалхонада жон беришди.

Уша куйи ёзининг айни чилласи бўлишига қарамай тоғларда момақалдироқ бўлиб, тун билан ёмғир қуийиб чиқди. Эрталаб эса ҳамманинг кўзига тоғ чўк-кандай бўлиб кўринди.

Нур БАДИА.

Муҳаррир
ўринбосари
Ғ. БОЛТАБОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Жумҳурияси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни
Босмахонаси. 700023, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
муҳбирлар бўлими — 59-28-56,
умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан
26078 нусхада чоп этилди.

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипда босилган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Босмага бериш вақти 18.00. Босмага берилди 17.00. Буюртма — 6509. Индекс: 64615.